



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 23 октябрь, № 208 (5628)

Ўзбекистон –
келажги
буюк
давлат

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, мустақиллик йиллари мобайнида қишлоқ хўжалиги соҳасида бозор муносабатларини жорий этиш ва хусусий мулкчилик шаклини ривожлантиришга йўналтирилган иқтисодий ислохотлар бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжалиklarининг иқтисодий ва молиявий мустақиллиги учун мустақам ҳуқуқий асослар ва кафолатларни яратиб берувчи Ер кодекси, “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Фермер хўжалиklarининг ер, сув ва моддий-техника ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмлари мутасил ошириш бориши, фермер хўжалиklarини самарадорлиги ва рентабеллиги ўсишини таъминлаш имконини берадиган моддий-техника базасини мустақамлаш, уларнинг ер майдонларини мақбуллаштириш борасидаги комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди. Қишлоқда фермер хўжалиklarига барча зарур хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги ерларининг узоқ муддатли ижара мулки қилиб берилиши ва қишлоқда бозор муносабатларининг жорий қилиниши фермер хўжалиklarини шакллантириш ҳамда ривожлантиришнинг энг муҳим омили ва асоси бўлди, бунинг натижасида ерга ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга ҳақиқий эгаллик туйғуси мустақамланди.

Мамлакатда фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчиси ҳамда аграр соҳани ва у билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқларни ҳамда ишлаб чиқаришларни янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш учун маъсулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган кудратли ижтимоий-сиёсий кучга айланиб бормоқда.

Биринчи навбатда гап фермер хўжалиklarини янада такомиллаштириш ва уларнинг самарадорлигини ошириш, ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш, ер-сув ресурсларидан ва яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланишда, қишлоқни жадал ривожлантириш ва ободонлаштиришда, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш тўғрисида бормоқда.

Шуни эътироф этиш керакки, ҳозир амалда бўлган фермерлик ҳаракатини ташкил қилиш ва бошқариш тизими, хусусан, Фермер хўжалиklarини уюшмаси ва унинг ҳудудий тузилмалари фаолияти қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ислох қилиш ва унинг маҳсулдорлигини ошириш жараёнларида ҳамда фермерлик олдида тур-

ган вазифаларни тезкорлик билан ҳал қилишга сушт таъсир ўтказмоқда.

Ҳозирги шароитда фермерлик ҳаракати олдида турган жамиятни демократлаштиришни чуқурлаштириш, иқтисодий янада ислох қилиш ва либераллаштириш, мамлакат аграр секторини барқарор ва самарали ривожлантиришнинг, аҳоли фаровонлигини оширишнинг энг муҳим бўғини сифатида фермер хўжалиklarининг роли ва аҳамиятини ошириш вазифаларининг фермерлик ҳаракати томонидан рўйбга чиқарилишини таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва туманлар ҳокимликларининг қонунчилик ва рентабеллиги бўйича қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳисоб-китоби:

сифатли амалга ошириш бўйича аниқ тадбирлар ишлаб чиқилиши ва тасдиқлашни таъминласин;

Дастурга киритилган тадбирларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли республика ва ҳудудий органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг, шунингдек, бошқа манфаатдор ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштирсин;

Дастурнинг амалга оширилишини хар ойда қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссиялар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишни назарда тутган ҳолда, Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссияси мажлисларида кўриб чиқсин.

Белгилаб қўйилсинки, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш бўйича ҳудудий комиссияларнинг раҳбарлари — Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва туманларнинг ҳокимлари ушбу Фармонда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши борасида шахсан жавобгар бўладилар.

4. Куйидагиларга: Ўзбекистон Фермер хўжалиklarини уюшмаси конференциясининг уни белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги қарорига;

Фермер хўжалиklarининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ бўлган Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманларнинг фермерлар кенгашларини (кейинги ўринларда — фермерлар кенгашлари) ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусига розилик берилсин.

Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар фермерлар кенгашларининг энг муҳим вазифалари ва фаолият йўналишлари куйидагилардан иборат этиб белгилансин:

Фермерликни ривожлантириш, фермер хўжалиklarининг моддий ва молиявий базасини мустақамлаш ҳамда уларнинг мулкий муносабатлари ишончли ҳимоя қилиниши таъминлаш соҳасидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

Фермер хўжалиklarининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жумладан, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан, тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан муносабатларда, шунингдек, судларда ишлар кўриб чиқилаётганда;

Фермер хўжалиklarини ташкил қилиш ва қайта ташкил этишда, уларга ер майдонларини узоқ

муддатли ижарага ажратиб беришда ошқоралик, очиқлик ва қонунийлик тамойилларини таъминлаш мақсадида жамоат назоратини амалга ошириш;

Кўп тармоқли фермер хўжалиklarини ривожлантиришда, сувни тежайдиган самарали технологияларни, биринчи навбатда, томчилик сифатида, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини уларнинг фаолиятига татбиқ этишга кўмаклашиш;

Қишлоқда ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехник ҳамда бошқа масалалар бўйича консалтинг марказлари тармоғини, шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш, харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш бўйича фермер хўжалиklarини кооперациясининг турли шакллари ташкил этиш ва кенгайтиришга кўмаклашиш.

5. Фермерлар кенгашларига фермер хўжалиklarини манфаатларини кўзлаб давво аризаларини тақдим этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) устидан судга давлат божи тўламасдан шикоят қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: Фермер хўжалиklarига ер майдонларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссиялари таркибига тегишли туман фермерлар кенгашларининг раислари киритилсин;

Фермерларнинг тегишли кенгашлари фермер хўжалиklarини ривожлантириш ва уларнинг фаолияти масалаларига тааллуқли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда бошқа қарорлар лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ишлаб чиқишда фаол қатнашадилар.

7. Куйидагилар: Ўзбекистон Фермерлари кенгаши ижро этувчи аппаратининг тузилмаси 3-иловага мувофиқ; ҳудудий ва туман фермерлар кенгашлари котибиятларининг намунавий тузилмалари 4 ва 4а-иловаларга мувофиқ маъқулансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Адлия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда фермерлар кенгашларининг туманлар, ҳудудий ташкилий ййғилишларини ҳамда республика Конференциясини ўтказишда, Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, ҳудудий ва туманлар фер-

мерлар кенгашларининг низомларини белгиланган тартибда тасдиқлашда кўмаклашсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашларининг котибиятларини жойлаштириш учун зарур хоналар ажратилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қишлоқ ва сув хўжалик вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Фермерлари кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва туманлар Фермерлар кенгашлари фаолиятини молиялаштириш манбалари бўйича тақлифлар киритсин.

9. Куйидагиларга: Махсус республика комиссиясининг Фермер ва деҳқон хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармасини белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг тугатилаётган Фермер хўжалиklarини уюшмаси қарзини, шу жумладан, халқаро молия институтлари томонидан жалб этилган кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги олдидаги қарзларни тугатилаётган Жамғарма маблағлари ҳисобидан тўлаш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

Тижорат банклари томонидан қайта молиялаштирилган Жамғарманинг қолган маблағлари Жамғарма олдидаги бошқа банклар қарзларини “Агробанк” АТБга қайта расмийлаштириш орқали “Агробанк” АТБ устав капиталини тўлдириш йўли билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги номидан давлатнинг ҳиссасини ошириш ҳисобига йўналтирилсин.

10. Ўзбекистон Фермерлари кенгаши Тошкент шаҳри, Равнак кўчаси, 1а-уйдаги тугатилаётган Ўзбекистон Фермер хўжалиklarини уюшмасининг бинолари ва иншоотларини унинг балансига, бепул асосда, тасарруф қилиш ҳуқуқисиз ўтказиб бериш билан жойлаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

12. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 22 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб, миллий-диний кадрларимизни сақлаш ва улуғлаш, фуқароларнинг ҳамжихатлиги ва меҳр-оқибатини мустақамлаш, уларнинг руҳий ва маънавий олами янада юксалтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Президентининг “Диний байрам — Қурбон ҳайитини дам олиш кунини деб эълон қилиш ҳақида”ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонида мувофиқ:

1. 2012 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи кунини 26 октябрь жума кунига тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2012 йил 26 октябрь дам олиш кунини деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика “Нуроний”, “Махалла” жамғармалари ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2012 йил 22 октябрь

Қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди

Президентимизнинг Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига йўлаган табриги биз, фермерларнинг қалбини ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Унда бу йилги шароитда пахтадан мўл ҳосил этиштириш осон бўлмагани, улкан ғалаба машаққатли меҳнат ва фидойилик ҳисобидан қўлга киритилгани алоҳида эътироф этилганидан эса ҳосил яратиш илинжида чеккан заҳматларимиз унутилди, чарчоларимиз чиқиб кетди.

Дил сўзи

Чиндан ҳам, янги мавсумга тайёргарлик пайтида бошланган ёнгарчилик, қорли ва аёзли кунларнинг чўзилиб кетгани, ёз ойларидан эса ҳаво ҳароратининг кескин даражада юқори бўлгани, турли қишлоқ хўжалиги зараркундалари ва касалликлар кўпайгани жиддий ташвиш туғдирмасдан қолмади. Аммо давлатимиз томонидан барча шарт-шароит яратиб берилгани, ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос янги навлар танлаб экилиб, ғўза парваришида замонавий илм-фан ютуқлари ва илғор агротехнологиялар қўлланилгани, турли ҳашаротларга қарши курашда биологик усул кенг жорий этилгани туфайли ҳар қачонгидан мўл ва сифатли ҳосил этиштиришга эришилди.

Масалан, биз 43 гектар майдонда ғўзанинг “Жайхун” навини парваришлаб, гектаридан 50 центнердан “оқ олтин” ййғиштириб олдик.

Сарҳисоб

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида солиқ органлари томонидан жорий йилнинг 9 ойлиги, шу жумладан, учинчи чорагида амалга оширилган ишлар ва 2012 йил учун белгиланган устувор вазифаларнинг бажарилишига бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат ййғилиши бўлиб ўтди.

Вазифалар белгилаб олинди

Унда Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорларида солиқ органлари зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши сарҳисоб қилинди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги қарорига асосан, жорий

йилнинг 9 ойида солиқлар ва мажбурий тўловлар тушумларининг республика ҳудудлари кесимида таъминланиши кўриб чиқилиб, Навоий, Сирдарё, Жиззах, Сурхондарё, Андижон ва Наманган вилоятларида айрим камчиликларга йўл қўйилганлиги танқидий муҳокама қилинди ҳамда йиллик прогноз кўрсаткичларини сифатли бажаришга доир вазифалар белгилаб олинди.

(Давоми 2-бетда).

Инвестиция: Иқтисодий юксалишнинг муҳим омили



Инвестиция — иқтисодий юксалиш пойдевори. Айниқса, ишлаб чиқаришда хорижий сармоядорлар иштироки муҳим аҳамият касб этади. Шу боис мамлакатимизда ишбилармонлар учун қулай инвестиция муҳити яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жараён

Пировардида тадбиркорларимиз билан мустақам алоқалар ўрнатиш, қўшма корхоналар ташкил этиш истигадиги хорижий ишлаб чиқарувчилар сони тобора ортмоқда. Сингапур ҳам Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни изчил ривожлантираётган давлатлардан бири. Айни пайтда юртимизда ушбу мамлакат ишбилармонлари сармояси иштирокидаги қатор корхоналар барқарор фаолият юритаётгани бунинг яққол далилидир.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

■ Парламент ҳаёти

Хар биримиз эрта тонгдан ишга, ўқишга ёки бирор юмушга отланар эканмиз, бевосита йўл ҳаракати иштирокчиси — ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёдага айланамиз. Шундай пайтда барчамиздан йўл ҳаракати хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этиш талаб қилинади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва масъулият

Бунинг учун зарур ҳуқуқий-ташкиллий пойдевор яратилиб, изчил мустаҳкамлаб борилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонуни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш борасида бир қатор ишлар рўйбга чиқарилмоқда.

Шу жумладан, парламент кўйи палатаси томонидан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасига оид қонунчиликни такомиллаштириш мақсадида миллий ва хорижий тажриба ўрганиб борилмоқда. Айни чоғда "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонун ижросини таъминлашда парламент назоратини амалга ошириш, йўл ҳаракати ҳодисаларининг келиб чиқиб сабабларини аниқлаш, бу борада тавсиялар ишлаб чиқиш, тегишли мутасадди идоралар раҳбарлари ахборотларини эшитиш, ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш бўйича аниқ чоралар кўришмоқда.

Яқинда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган давра суҳбатидан шулар хусусида атрафлича сўз юритилди. Унда кўйи палата депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари, мутахассис-олимлар қатнашди.

Шубҳасиз, мазкур Қонуннинг ривожлантирилиши, энг аввало, аҳоли ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофазалаш, уларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини янада кучли таъминлашга хизмат қилади. Ўз навбатида, шу асосда давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳаракат хавфсизлигини кучайтириш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва принциплари белгилаб олинди. Ана шуларни ҳисобга олиб, мутасадди органларнинг ваколатларини аниқлаштириш кўзда тутилган. Унда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридagi Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Энг асосийси, мазкур Қонун фуқароларнинг йўл ҳаракати қондаларини ҳурмат қилиш ва уларга итоат этиш, кўчада ўзини тутатилган маданиятини юксалтиришга қаратилган. Дарҳақиқат, бугунги кунда ҳам фуқаролар, айниқса, болаларнинг йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя этиш маданиятини ошириш, аҳоли ўртасида тегишли тарғибот-тушунтириш ишлари самарадорлигини кучайтириш, уларда оғоҳлик ва ҳушёрликни мустаҳкамлаш долзарблигича қолмоқда. Шунингдек, соҳада учраётган яна бир қатор камчиликларни бартараф этишда ички ишлар идоралари билан таълим муассасалари, "Маҳалла" хайрия жамоат фон-

Муктасар айтганда, тегишли қонунчилик базасининг ривожлантирилиши йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлайди. Бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва саломатлигини муҳофазалаш, транспорт воситаларига эга бўлган корхона ҳамда ташкилотлар, фуқароларнинг йўлларда хавфсизлик қондаларига риоя этиш бўйича масъулиятини ошириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ва уларда жабрланганлар сонини камайитиришга хизмат қилади.

Сиджон МАХСУМОВ.

■ Инвестиция:

Иқтисодий юксалишнинг муҳим омили



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Калава ип тайёрлашга ихтисослаштирилган "Индорама-Кўқон тўқимачи" Ўзбекистон — Сингапур кўшма корхонаси шулардан бири. Мазкур ишлаб чиқариш субъекти бун-

дан бир йил аввал Кўқон шаҳрида фаолият бошлаган эди. Ҳамкорлар томонидан киритилган 50 миллион АҚШ долларлик сармоя Швейцариянинг "Лува", "Риетер" ҳамда Япониянинг "Тойота" компанияларидан илгор технология-

лар харид қилишга сарфланди. Замонавий дастгоҳларни бошқариш учун 430 нафар маҳаллий мутахассис ишга қабул қилинди. Натижада бу ерда йилга 10 минг тонна хом ашёни қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Эътиборлиси, хоризжлик ҳамкорлар билан шерикчилик алоқаларининг мустаҳкамланиши маҳсулотнинг асосий қисмини четга сотишга ҳам кенг йўл очмоқда. Масалан, ўтган даврда 7 минг тонна ёки 18,8 миллион АҚШ долларлик калава ип хоризжлик буюртмачиларга етказиб берилгани бунинг тасдиғидир. Эътиборлиси, бу режадагига нисбатан 183,8 фоиз юқори кўрсаткичдир.

Дарвоқе, айни пайтда корхонада кенг қўламли модернизация тадбирларини амалга ошириш юзасидан истикболли лойиҳа тайёрланмоқда. Уни рўйбга чиқариш учун 20 миллион АҚШ долларлик инвестиция жалб этилиши кўзга тутилган. Бу эса келгусида "Индорама-Кўқон тўқимачи"нинг ишлаб чиқариш қувватлари ошиши, экспорт ҳажми кўпайиши ҳамда янги иш ўринлари вужудга келишига хизмат қилади.

Набижон СОБИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири. СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар. **Шоурот ШАРАПОВ олган суратлар.**

■ Янгилик

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Қашқадарь вилояти бошқармасида бизнес билан шугулланиш истагидаги тадбиркорларга тезкор ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатувчи инфокиоска ташкил этилди.

Электрон маслаҳатчи

Россиянинг "Alniko" компаниясида ишлаб чиқарилган бу қурилма энг замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, у бир йўла иккита монитор орқали тадбиркорларга хизмат кўрсатади. Хусусан, биринчи мониторда бизнесни бошлаш ва ноқонуний текширишларга йўл қўймаслик бўйича ижтимоий реклама роликлари намойиш этилса, иккинчи монитор орқали Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ягона ахборот-маълумот порталига кириш мумкин.

Инфокиоска интернет тармоғига уланган бўлиб, тадбиркор олинган барча маълумотларни шу ердан туриб ўзининг электрон почта манзилига жўнатади ва улардан истифода қилинади.

А. МУҲАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИТОЙ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Мамлакатимизда Хитой Халқ Республикаси маданияти кунлари бошланди. Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикасининг юртимиздаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

■ Тадбир

"Туркистон" саройида Ўзбекистонда Хитой Халқ Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган маросимда мамлакатимизнинг вазирлик ва идоралари, жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, хитойлик санъат намояндлари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси маданияти ва спорт ишлари вазирлиги Т. Қўзиёев ва бошқалар Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон Респуб-

ликаси Президенти Ислам Каримовнинг жорий йилнинг июнь ойида Хитой Халқ Республикаси расмий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янги мазмун билан бойитиб, икки томонлама имкониятларни янада кенгайтиришда муҳим омили бўлмоқда.

Маданият кунларининг очилишида хитойлик санъат намояндларининг концерти бўлиб ўтди. Хитой халқининг мўлтоз навалари, замонавий мусиқа ва раңг-баранг рақслар ижроси тадбир қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотди.

— Хитой ҳам, Ўзбекистон ҳам — бой тарих ва маданиятга эга мамлакатлар, — деди Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мух-

тор элчиси Чжан Сюе. — Ўзаро дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан кейин ҳамкорлик алоқаларимиз барча соҳаларда жадал тараққий этаётир. Бугунги кунда муносабатларимиз савдо-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳалар қатори маданий ҳабада ҳам изчил ривожланмоқда. 2011 йилда Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди. Унинг мантиқий давоми бўлган, Ўзбекистон билан Хитой ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганининг 20 йиллигига бағишланган мазкур анжуман нафақат маданий соҳадаги, балки давлатларимиз ўртасидаги стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Тадбир доирасида Ўзбекистон маданияти ва санъат кўргазмаси залида Хитой замонавий расомларининг тасвирий санъат кўргазмаси очилди. Хитой маданияти, урф-одатлари, анъана ва қадриятлари, ушбу халқнинг турмуш тарзи ақл этган расмлар намойиши этилаётир.

И. УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

Вазифалар белгилаб олинди

Давлат солиқ хизмати органларида Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 24 августдаги "Давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат қорхоналари, муассасалари ва ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий таъминлаш даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори талабларига риоя этилиши, шунингдек, солиқ низоларининг судга ва суд тартибида кўриб чиқишининг аҳоли юзасидан Андижон, Навоий, Тошкент ва

Хоразм вилоятларида ўтказилган ўрганишларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ҳамда масъул раҳбарларнинг жавобгарлигини ошириш чоралари кўрилди.

Солиқ қарзини суд буйруқлари асосида ундириб олиш бўйича Суд ижро органлари билан ҳамкорликдаги ишлар аҳоли Самарқанд, Жиззах ва Сурхондарё вилоятлари давлат солиқ хизмати органлари мисолида таҳлил қилинди.

Сирдарё, Қашқадарё ва Фарғона вилоятлари давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилаётган камерал назорат тадбирларининг самарадорлиги юзасидан қўшимча равишда амалга оширилаётган тадбирлар белгилаб берилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича марказий аппарат таркибий тузилмалари ва ҳудудий давлат солиқ хизмати органлари раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилиб, фаолиятида жиҳдий камчиликларга йўл қўйган 4 нафар раҳбар ҳодим эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 32 нафарига нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилиш сўнггида давлат солиқ хизмати органлари зиммасига юклатилган долзарб вазифаларни қатъий бажариш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.

■ Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

■ Самарқанд

Самарқандда "Гуллар, азиз Самарқанд" деб номланган гуллар байрами ташкил этилди.

Самарқандда гул сайли

Унда раңг-баранг гуллар, фотосуратлар, амалий безаклар кўргазмалари намойиш қилинди. Тадбир доирасида иштирокчилар гул парвариллаш борасида ўзаро тажриба алмашдилар.

Байрам нияҳиссида қатнашчилар орасидан "Хона ўсимликлари", "Кактуслар олами", "Биначилар сеҳри", "Гуллар — амалий безак санъатида", "Икебаналар танлови", "Энг яхши гулчи", "Муҳрланган лаҳза" каби йўналишлар бўйича гулбардор аниқланиб, ташкилотчиларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Шунингдек, байрам доирасида "Гўзалликни ҳаёда эт" шiori остида акция ўтказилиб, Саҳоват ва Меҳрибонлик уйларига гуллар тарқатилди.

М. ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Сурхондарё

Денов туманидаги "Марақанд Денов" хусусий корхонасида паррандачилик йўналиши бўйича 350 миллион сўмлик лойиҳа рўйбга чиқарилди.

Парҳезбop маҳсулотлар кўпаяди

— Бўш турган чорвачилик фермаси биносини таъмирлаб, замонавий паррандачилик дастгоҳларини ўрнатдик, — деди тадбиркор Ҳабибулло Орзиқулов. — Ҳозир 12 киши меҳнат қилаётган корхонамизда 18 мингта говуқ саноат усулида парвариллашмоқда.

Жорий йилнинг 8 ойи давомида вилоятдаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча манбалар ҳисобидан 127 миллиард 196 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Н. ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

■ Хоразм

Гурлан туманидаги "Гурлан-Бехруз" хусусий корхонаси раҳбари Алишер Бобожонов банкнинг 300 миллион сўмлик кредити эвазига бир йўла иккита лойиҳани амалга оширди.

Тадбиркорнинг бизнес лойиҳаси

Хусусан, ажратилган маблагнинг тенг ярми туман марказида замонавий темир эшик ва дарвозалар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлса, қолган сармоя ҳисобига савдо ҳамда маший хизмат кўрсатиш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Натижада 15 киши доимий иш ўрнига эга бўлди.

Эътиборли жиҳати, туманда жорий йил бошидан бундан тадбиркорлар томонидан 30 та ана шундай лойиҳа амалга оширилди.

О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2012 йил 23 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божинона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хоризжий валюталарнинг сўма нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	2013,91
1 Англия фунт стерлинги	3127,28
1 Дания кронаси	341,42
1 БАА дирхами	531,62
1 АҚШ доллари	1952,60
1 Миср фунти	319,86
1 Испания кронаси	15,71
1 Канада доллари	1967,16
1 Хитой юани	312,21
1 Россия рубли	63,43
1 Украина гривнаси	244,29
1 Малайзия ринггити	639,57
1 Польша злотийси	620,82
1 СДР	3012,86
1 Туркия лираси	1088,83
1 Швейцария франки	2106,59
1 ЕВРО	2546,90
10 Жанубий Корея вонни	17,67
10 Япония иенаси	246,11

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Ижтимоий шериклик ва қонунчилик

Адлия вазирлигида ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига бағишланган анжуман ўтказилди.

■ Анжуман

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талаблари асосида ишлаб чиқилган "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокамасига бағишланган мазкур тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, маҳаллий ва хорижий нодавлат нотижорат ташкилотлари ходимлари қатнашди.

Таъкидланганидек, Президентимиз томонидан тақдим этилган Концепцияда кўплаб

қонунчилик ташаббуслари қаторида, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонунни қабул қилиш таклифи ҳам илгари сурилди, унда қонун ижодкорлиги жараёнида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштиришга оид ҳуқуқий нормалар кўзда

тутилиши зарурлиги белгилаб берилди. Қонун лойиҳаси ҳозирги пайтда кенг жамоатчилик томонидан муҳокама қилиниб, янада такомиллаштирилмоқда.

Анжуманда қонун лойиҳасининг бир қатор меъёерлари хусусида атрафлича сўз юритилди. Бунда ижтимоий шериклик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш масаласига эътибор қаратилди. Жумладан, қонун ҳужжатларига риоя этиш, бу борада очиқлик ва ошқораликни таъминлаш, дастур ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш ва бошқа мажбуриятлар таҳлил қилинди.

— Бугунги кунда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий асосини янада такомиллаштириш, унинг

вазифалари кўламини кенгайтириш ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ўзаро яқин муносабатларни таъминлаш долзарб аҳамиятга эга, — деди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари Жаҳонгир Ширинов. — Қонун лойиҳасида шу жиҳатлар инобатга олинган. Йиғилишда билдирилган фикр-мулоҳазалар лойиҳани янада такомиллаштиришда қўл келади, албатта.

Тадбирда қонун лойиҳасини қайта ишлаш бўйича таклифлар билдирилди. Хусусан, ижтимоий шериклик субъектлари ҳуқуқ ва мажбуриятларини янада аниқлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Пировардида давлатга 215 тоннадан зиёд пахта сотиб, шартнома мажбуриятини 185 фоиздан ошириб удаладиқ. Энг муҳими, етиштирилган ҳосилнинг 90 тоннадан орტიқроғи уруғликка қабул қилинди. Шу боис

Қалбимиз ғурур ва ифтихорга тўлди

пахтачиликнинг ўзидан 145 миллион сўмдан зиёд даромад олиш кўзда тутилмоқда. Давлатимизда қўлга киритилган шу каби натижалар инобатга олиниб, илгор фермер хўжаликлари қаторида тилга олинган 30 кишилик жамоамизнинг ўз ишига бўлган иштиёқини янада ошириб юборди. Бунинг тўғрисидаги барча фермер хўжаликлари меҳнатига берилган юксак баҳо сифатида қабул қилиди. Чунки мавжуд 249 та фермер хўжалигининг девяри барчаси вилоятда биринчилардан бўлиб зиммасидаги шартномани ошириб бажарди. Етиштирилган жами ҳосилнинг 90 фоизи эса биринчи навга сотилди.

Президентимиз яқинда Хоразм вилоятига ташрифи чоғида фермерлар билан учрашиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бердилар. Жумладан, фақат деҳқончилик билан чекланиб қолмасдан, янги ишлаб

чиқариш қувватларини ишга тушириб, қўшимча иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлашда ташаббускор бўлишга ундадилар.

Шундан келиб чиқиб, хўжалигимизда сутни қайта ишлаш цехини ташкил қилиш ҳаракатини бошладик. Бунинг учун зарур сутни

тўлиқ ўзимиз етиштириш мақсадида чорвачиликни ривожлантираётимиз. Ҳозирги кунда 20 бош қорамолимиз бор. Пахтачиликдан олинган фойда ҳисобига чет элдан наслдор қорамоллар олиб келмоқчимиз. Бундан ташқари, замонавий қишлоқ хўжалиғи техникаларини харид қилиш ниятидамыз.

Ўртбошимиз қишлоқ меҳнатқашларининг камтарона меҳнатларини ҳақиқий матонат ва жасорат намунаси сифатида юксак баҳолади. Бундай эътироф бизга ғурур бағишлаши билан бирга, зиммамизга катта масъулият ҳам юклайди. Шунинг учун ҳис қилган ҳолда, далалардаги ҳосилни сўнгги мисолигича аниқ-териб олиш, келгуси мавсум учун йиғи тайёрларлик кўришимиз лозим. Ана шунда билдирилган ишончни оқлаган бўламиз.

Муборак ЖУМАНИЕЗОВА, Хона туманидаги «Исмоил ота» фермер хўжалиғи раҳбари.

Таълим

Ватан равнақи, юрт тараққиёти пухта билимли, юксак маънавият ва кенг дунёқараш соҳиб бўлган ёшлар кўлида. Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилган ўзбек таълим модели келажакимиз эгаларини ана шундай салоҳиятли инсонлар қилиб тарбиялашда мустақкам пойдевордир. Хусусан, таълим мазмунини тубдан тақомиллаштириш, соҳага янги педагогик технологияларни кенг жорий этиш ҳамда ўқитувчи ва мураббийлар малакасини ошириш, улар меҳнатини рағбатлантиришга устувор аҳамият қаратаётганиги ёшларимизнинг жаҳон стандартларига мос шароитларда билим ва тарбия олишлари имконият яратди.

ибратли ишлар самараси, табиийки, таълимнинг пировард натижаси, ўқувчилар билим даражасининг ортшида яққол кўзга ташланади. Буни, масалан, ўғил-қизларнинг фан олимпиадалари, турли танловлардаги муваффақиятли иштирокидан билиб олиш мумкин. Утган ўқувчиларда 9-синф ўқувчиси Сирожиддин Абдуллаев АКТ бўйича, Мухаммад Абдувоҳидов математика фанидан олимпиадада қатнашиб, вилоят босқичида

ли, айна пайтда шарафли ва зифани юклайди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бўлим бошлиғи Собитхон Турғунов. — Ташкилдор кераки, унинг уддасидан чиқшига сафарбар этилган педагог ходимларнинг таълим тараққиёти йўлида амалий саъй-ҳаракатлари ўз самарасини бермоқда. Буни, биринчи навбатда, битирувчиларимизнинг ўзлари ҳоқлан мутахассислик бўйича касб-ҳунар коллежлари, кўпчилик ёшларимизнинг олий ўқув юртида тахсил олиб, халқ хўжалигининг турли соҳаларида юрт тараққиётига ўз хиссаларини қўшаётганликлари мисолида кўриш мумкин. Хусусан, ўтган ўқувчиларни бўйича 49167 нафар йигит-қиз тўққизинчи синфни тамомлаб, барчаси касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларда тахсил олишни давом эттирмоқда.

Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълимнинг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифаларидан бири — ўқув даргоҳларини педагог кадрлар билан таъминлаш, улар сифат таркибини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими яратилганиги вилоятда соҳа ходимлари салоҳиятини тобора юксалтирмоқда. Педагог ходимлар ўртасида ташаббускорлик, янгиликка интилиш, касбий маҳоратини кучайтириш фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилаган. Ёшларнинг илгма қизиқиши эса, энг аввало, устознинг маҳорати, шогирдларини дарс машғулотига фаол жалб эта олиши билан боғлиқ. Ўқитувчининг таълим бериш услуби ноанъанавийликка асосланса, сабоқ мазмунли бўлса, ўқувчи берилиб тинглайди, дарсини пухта ўзлаштиради. Ана

Баркамол ёшлар — юрт таянчи

Мақтаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълимнинг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифаларидан бири — ўқув даргоҳларини педагог кадрлар билан таъминлаш, улар сифат таркибини яхшилаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими яратилганиги вилоятда соҳа ходимлари салоҳиятини тобора юксалтирмоқда. Педагог ходимлар ўртасида ташаббускорлик, янгиликка интилиш, касбий маҳоратини кучайтириш фаолиятининг асосий мезони сифатида белгилаган. Ёшларнинг илгма қизиқиши эса, энг аввало, устознинг маҳорати, шогирдларини дарс машғулотига фаол жалб эта олиши билан боғлиқ. Ўқитувчининг таълим бериш услуби ноанъанавийликка асосланса, сабоқ мазмунли бўлса, ўқувчи берилиб тинглайди, дарсини пухта ўзлаштиради. Ана

гирд" аънаасидан фойдаланиб, тажрибали муаллимлар сабоғини олишади, очқ дарслар тахлили ўзаро манфаатдорлик асосида муҳокама қилинади. Бу ўз навбатида, педагогларимизни изиллаб, янгиликларга интилиб ишлашга ундамоқда. География фани муаллимлари Инобатхон Дадамуртаев ва

Информатика фани ўқитувчиси Дилфуза Пулатованинг Наманган давлат университетини тугаллаб, иррадионлик педагоглар сафига қўшилганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Унга 18 та компьютер ва бошқа замонавий электрон алоқа воситаларидан иборат компьютер сифини ишончли топширилган.

фахрли ўринларни эгаллади. Икки йилдан буюн ўқувчи келинаётган билимлар синовининг вилоят босқичида ҳам 5 нафар ўқувчи ғолиб бўлди. Бугунги кун ёшларининг интеллектуал салоҳияти, уларнинг билим ва тафаккурда ҳеч қимдан кам эмаслигини кўриб, кўнгилда фарзандларимиз камалидан гурур уйғонади.



Айтиш лозимки, соҳадаги изчил ислохотлар вилоят таълим тизими, педагоглар фаолиятига жўшқинлик бахш этмоқда. Бу, энг аввало, соҳанинг моддий-техник имкониятларини мустақкамлаш, педагог ходимлар меҳнатида курсатилган эътибор, улар малакасини ошириш йўлида рўйбга чиқарилаётган амалий ишлар самарасидир.

Изланувчан муаллима ҳамкасблари ва ўқувчиларга "ақли машина"лар сирларини ўргатиш билан бирга, интернетда мақсатли алоҳида сайтини яратди. Вақти-вақти билан янгилик бориладиган ва манбага ўқув даргоҳи ҳақидаги маълумотлар, унда ўтказилаётган маънавий-маърифий тадбирлар, илгор ўқитувчилар тажрибаси жойлаб борилади. Физика фани ўқитувчиси Маҳмуджон Муродовнинг дарсдан бўш вақти, асосан, АКТ хонасида ўтади. У мазкур восита ёрдамида ишдан ажралмаган ҳолда, масофадан ўқитиш услуби орқали малакасини ҳам ошириб бормоқда. Мақтабда олиб борилаётган

Истиқлол йилларида вилоятда 12 та янги мақтаб биноси қурилиб, 197 та ўқув даргоҳи реконструкция қилинган, 342 таси муқамал таъмирдан чиқарилган келажакимиз эгалари камолоти йўлидаги эзгу интилишларнинг ёрқин тасдиғидир. Ёки мазкур бунёдкорлик тадбирлари учун 124,1 миллиард сўм сарфланиб, унга қўшимча равишда мақтаблар 43,1 миллиард сўмлик мебель, лаборатория усуналари, спорт жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозланганини давлатимизнинг мақтаб иши, аҳоли савдоқонлигини ошириш масаласига устувор аҳамият қаратаётганининг амалий ифодаси сифатида қабул қилиш лозим.

— Икки миллиондан зиёд вилоят аҳолисининг 365 минг нафарга яқини умумий ўрта таълим мақтабларида тахсил олаётгани тизимимизда меҳнат қилаётган ўқитувчи ва мураббийлар зиммасига масъулият

шундай натижага эришиш йўлида барча педагогларнинг бирдай интилиб, меҳнат қилаётгани кувончлидир.

Қудратилла НАЖИДИНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Соғлом турмуш тарзи

аҳоли саломатлигини мустақкамлашда муҳим аҳамиятга эга

Юртимизда "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига мувофиқ, оила саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, жойларда болалар, ўсимирлар, балоғат ёшидаги қизлар, шунингдек, фертил ёшидаги аёлларни мунтазам равишда беғул тиббий кўриқдан ўтказиш, уларга зарур тиббий тавсиялар бериб бориш кенг йўлга қўйилган. Бунда, шубҳасиз, худудларда фаолият юритаётган хотин-қизлар ташкилотларининг ҳам муносиб улуши бор.

Аёл. Оила. Жамият

Бухоро вилояти аҳолисининг 51 фоиздан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Ўз атрофида 2200 тадан ортиқ бошланғич ташкилотли бирлаштирилган вилоят хотин-қизлар кўмитаси айна пайтда республикамизнинг барча худудларида хотин-қизлар кўмиталарини тизимда ўтказилиши режалаштирилган ҳисобот-саноот конференцияларига қизгин тайёргарлик кўрмоқда.

Айтиш жоизки, ўтган давр мобайнида вилоят хотин-қизлар кўмитаси давлат ва нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорликда оналар ва болалар саломатлиги йўлида анжуманларни ўтказишнинг асосий йўналишларини белгилаётган. Давлатимиз раҳбарининг "2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасида ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида" қи қарори бу борадаги ишларни янада кенгайтиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўтапти.

Хозир кўмитасини ҳузурда ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб махсус жамоатчилик кенгаши тузилган. Мазкур кенгаш аъзолари жойларда маҳалла фаоллари, тайёриёт ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, оила-тинчлик тиббий маданиятини ошириш масаласи бўйича тушуштириш-тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Хусусан, маҳаллаларда ҳар бир хонадон учун "Оила саломатлиги" ва "Унда ташқари оила аъзоларининг саломатлиги тўғрисида маълумот берувчи "Оиланинг санитар паспорти" жорий қилинган. Унга қўра, айна пайтда фертил ёшидаги аёлларнинг 99,2 фоизи чуқур тиббий кўриқдан ўтказилиб, уларнинг соғломлаштириш чора-тадбирлари қўрилади. Бу каби кенг қамровли юмушларни амалга оширишда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси тизимидagi муассасалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, "Соғлом авлод учун" жамғармаси ва бошқа бир қатор ташкилотлар билан ижтимоий шериклик алоқаларининг ўрнатилгани, табиийки, кўпгина самарани бермоқда.

Шу ўринда аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлашда барча маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларини ўтказилаётган тадбирларнинг аҳамияти катта бўлаётганини қайд этиш жоиз. Айниқса, ўқув муассасаларида эрта турмушга чиқиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари, никоҳдан олдинги тиббий кўриқнинг аҳамияти мавзуларида ташкил этилаётган семинар ва мулоқотлар қизларни оилага тайёрлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Худудимизда хотин-қизлар спортини ривожлантиришга ҳам жиддий эътибор берилаётган. Хусусан, шу йилнинг ўтган даврида қизлар ўртасида юздан зиёд мусобақа ташкил этилди. Уларда салкам 25 минг нафар қизнинг иштироки таъминланди. Маҳаллалар тасарруфидagi спорт иншоотларида эса турт минг нафардан зиёд аёл волейбол, баскетбол, шахмат,

шамка, стол теннис, бадий гимнастика билан машғул. "Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи" каби аънаъанавий ўйинлар спортни омаллаштириш, пировардида оналар ва болалар саломатлигини мустақкамлашда қўл келаяпти. Агар 2003 йилда вилоятимизда қизларнинг 28 минг 180 нафарга ёки 8 фоизи спорт билан мунтазам шуғулланган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 31,4 фоизни ташкил этди.

Шубҳасиз, ушбу саъй-ҳаракатлар аҳоли репродуктив саломатлигини мустақкамлаш, оналарни соғломлаштириш, уларни спортга жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунинг билан қизлар ўртасида касалликка чалинган ҳоллари 2010 йилдаги нисбатан 1,2 мартага камайди. Спорт билан мунтазам шуғулланувчи болаларнинг бўйи 29,9 сантиметрга, оғирлиги 3,8 килограммга, қўқрак қафаси айланмаси эса 3,5 сантиметрга ошди. Бу, ўз навбатида, жисмоний тарбиянинг соғлом авлодни камол топтиришдаги ўрнини яққол кўрсатиб турибди.

Мухтасар айтганда, аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш, ўсиб келаётган болаларни соғлом турмуш таъминлаш асосида тарбиялаш, пировардида жамиятда соғлом оила муҳитини шакллантириш бугунги кунда айна заруратдир. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, оила соғлом экан — жамият мустақкам, жамият мустақкам экан — мамлакат барқарордир.

Зулфия ТҲҲЕВА, Бухоро вилояти хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Истеъдодлар мактаби

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" III Республика ёш ижодкорлар семинари ўз ишини бошлади.

Семинар

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда таниқли ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунос олимлар, ёш ижодкорлар, профессор-ўқитувчилар, талаба-ёшлар қатнашди. Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда миллий адабиётимизни ривожлантириш, эркин ва самарали ижод қилиш, айниқса,

бу йилда ёш ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг китобларини нашр этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг учун барча ҳуқуқий-ташқиллий шарт-шароит яратилган. Хусусан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда "Ижод" фонди ҳамкорлигида амалга оширила-

ётган бир қатор маърифий лойиҳалар мазкур эзгу мақсад рўйбга чиқариб келинмоқда. Аънаъанавий "Истеъдод мактаби" республика ёш ижодкорлар семинари ҳам ана шундай юксак гамўрлик намунасидир. Ушбу анжуман доирасида атоқли ёзувчи ва шoirлар, адабиётшунос олимлар, таржимонлар иштирокида маҳорат сабоқлари, учрашувлар, мулоқотлар, илк асарлар тақдими, мушоираларни ўтказиш режалаштирилган.

М. ҚОСИМОВ.

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Жиззак вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорларнинг ариза (талабнома)лари савдо ташкилотчиси жойлашган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 6 ноябрь кунни соат 18.00.

Реклама ва эълонлар

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

«КО‘СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этилади.

ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосига иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2012 йил 23 ноябрь кунни соат 18.00.

ОБ-ҲАВО (23 октябрь) Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятларида Бухоро ва Навоий вилоятларида Тошкент, Самарқанд, Жиззак ҳамда Сирдарё вилоятларида

Халқ сўзи Народное слово МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғим Г — 1054. 61 384 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтими: www.1kms.uz